1

# Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» жамғармаси
# УСТАВИ

## 1. Умумий қоидалар

1.1. Узбекистон ёшларининг «Камолот» жамғармаси (бундан кейин жамғарма деб юритилади) ёш авлоднинг ҳар томонлама камол топиши, уларда чуқур билим, юксак маънавият ҳосил қилиш, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик фазилатларини юксалтириш, замонавий ишбилармонлик, тадбиркорлик ва омилкорликни шакллантириш учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадларида ташкил этилган хайрия-жамоат бирлашмасидир.

1.2. Жамғарма ўз-ўзини мустақил бошқарувчи, маблағ билан таъминловчи ва мустақил фаолият юритувчи ноҳукумат жамоат бирлашмаси сифатида юридик шахс ҳуқуқига эгадир.

1.3. Жамғарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонуңлари, шунингдек ушбу Уставга амал қилади.

1.4. Жамғарма ва унинг бўлимлари юридик шахс ҳисобланади, ўзининг мустақил балансига ва алоҳида мулкига эга бўлади, республиканинг бутун ҳудудида ва унинг ташқарисида зарур хўжалик-молиявий ва тадбиркорлик фаолиятлари билан шуғулланади, банк муассасаларида ҳам миллий, ҳам чет эл валютасида ўз ҳисоб рақамига эга бўлади, қонунчиликда белгиланган тартибда ташқи иқтисодий алоқаларни амалга оширади.

1.5. Жамғарма ўз тамғаси ва муҳрига, шунингдек, эмблемага ва ташкилот рамзига эга бўлади.

## 2. Жамғарманинг мақсади ва вазифалари

**2.1. Жамғарманинг асосий мақсади:**

— ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг баркамол ва комил инсон бўлиб етишишлари учун тенг шарт-шароитлар яратиб беришда давлат ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;

— ёш авлоднинг жисмоний, ақлий ва маънавий жиҳатлардан камол топиши, ўз даврининг шарқона одоб, умуминсоний қадриятлар, демократик тамойиллар асосида вояга етган етук фарзандлари, истиқлол ишининг давомчилари бўлиб етишишлари учун зарур шарт-шароитларнинг яратилишига, уларнинг Ватан, халқ олдидаги Конституциявий бурч ва вазифаларини бажаришларига, ўз ҳуқуқларидан тўла фойдаланишларига кўмаклашиш;

— ёшларнинг ўқиши, меҳнат қилиши учун яра-

2

тилган имкониятларнинг самарадорлигини оширишини, уларнинг мустақил равишда ҳуқуқий, иқтисодий билим олишини, тадбиркорлик, ишбилармонликда фаолият кўрсатишини рағбатлантириш;

— ёшларни ижтимоий муҳофаза қилишда иштирок этиш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ўз қобилият ва имкониятларини намоён қила олишлари учун давлат, жамоат ташкилотлари, барча турдаги мулк эгалари билан ҳамкорликда зарур шарт-шароитлар яратиш, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш;

— эски маънавий ва мафкуравий маҳдудлик ва мутелик руҳиятидан покланган, она тили, тарих, маънавий ва маданий меросни чуқур эгаллаган, жисмоний ва руҳий пок, авлодининг генефонди соғлом, маърифатли, дунёқараши кенг ёшларнинг камол топиши борасида ҳукумат, унинг органлари, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш;

— ёшларни табиатга меҳр, юрт бойлигини асраб авайлаш ва кўпайтириш руҳида тарбиялашнинг чора-тадбирларини амалга ошириш.

**2.2. Жамғарманинг асосий вазифалари:**

— ёшларнинг иқтисодий, сиёсий, маънавий, маданий, ҳуқуқий манфаатлари ва эҳтиёжларини ўрганиш ва қондириш юзасидан дастурлар тузиш ва уни ҳаётга тадбиқ этиш;

— давлат ва ҳукумат дастурлари ва ислоҳотларини бажаришга кўмаклашиш, миллий мустақилликни мустаҳкамлашда бевосита иштирок этиш;

— ёшларни Конституция, қонунлар, давлат ва ҳукумат қарорларини ҳурмат қилиш ва уларга амал қилиш руҳида тарбиялаш, жамиятда қонуннинг устун бўлишига эришиш ишида фаол қатнашиш;

— ёшларга доир давлат ва ҳукумат қонунлари, қарорлари ва бошқа ҳужжатлар қабул қилинишида бевосита иштирок этиш, ўтиш давридаги ёшлар муаммоларини ўрганиш ва уни бартараф этиш юзасидан қонунчилик ва ижро органларига таклифлар бериш;

— ёшлар учун янги иш жойлари яратиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларини ўрганиш ва уларни бартараф этишда ҳукумат, ҳокимликлар, бошқа манфаатдор вазирликлар ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;

— ёшлар ўртасида янги жамиятга ёт бўлган боқимандалик, лоқайдлик, ижтимоий пассивлик иллатларининг барҳам топишига ва уларнинг билимдонлик, ишбилармонлик, тадбиркорлик фазилатлари ва тажрибаларини эгаллашига имкониятлар яратиш;

— ёшлар ўртасида фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш ғояларини ёйиш, бозор иқтисодига ўтиш даврида ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг таъминланишига бевосита ҳисса қўшиш;

— ёшларнинг янги шаклланаётган демократик жамият ва давлат тўғрисидаги тасаввурлари ва дунёқарашини бойитишга ҳаракат қилиш;

— ёшлар манфаат ва эҳтиёжларини ўзида акс

3

эттирувчи сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмалари билан ўз дастурий мақсадлари доирасида ҳамкорлик қилиш;

— ёш Ўзбекистон Республикаси иқтисоди, маданияти ва маънавиятини хорижий мамлакатлар ёшлари ўртасида ташвиқот ва тарғибот қилиш, илғор мамлакатлар ёшлар ташкилотлари иш тажрибасини ўрганиш.

2.3. Жамғарма ёшлар муаммолари юзасидан ҳукумат, вазирликлар, ҳокимликлар, жамоат ташкилотлари, хорижий ва бошқа манфаатдор ташкилотларнинг буюртмаларини амалга оширади. Шунингдек, шу йўналишда дастурлар, лойиҳалар тузиб, улар учун ажратилган маблағлар ва грантлар ёрдамида ҳаётга тадбиқ қилади.

## 3. Жамғарманинг ҳуқуқлари

**Жамғарма Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида белгиланган қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:**

3.1. Узбекистон Республикаси ҳудудида ва хорижий мамлакатларда ўз номидан юридик ва жисмоний шахслар билан ўз ваколати доирасида шартномалар ва бошқа юридик ҳужжатларни тузиш.

3.2. Узбекистон Республикаси ҳудудида ва хорижий мамлакатларда корхоналар, фирмалар, бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари ҳамда ҳар хил кўчириб бўладиган ва кўчмас мулкларни қуриш, сотиб олиш, алмаштириш, ижарага бериш ёки ижарага олиш, қарзга ёки кирага олиш.

3.3. Қонунларда белгиланган тартибда хорижий мамлакат вакиллари билан қўшма корхоналар ташкил этиш ва чет эллик шериклар билан сўм ва валютада ҳисоб-китоб қилиш ҳамда хўжалик фаолиятини амалга ошириш.

3.4. Республика ҳудудида ва ундан ташқарида кўргазмалар, турли фестиваллар, кўрик танловлар, спорт мусобақалари, аукционлар, конференциялар ва бошқа тадбирлар мажмуасини тайёрлаш ва ўтказиш. Лотереялар, акциялар, мақсадли заёмлар ва бошқа қимматбаҳо қоғозлар чиқариш ҳамда уларни сотиб олиш.

3.5. Қонунларда белгиланган тартибданоширлик ва реклама фаолиятини амалга ошириш, республикада ташкил этиладиган турли жамоат ташкилотларининг муассиси ва ҳаммуассиси бўлиш.

3.6. Мавжуд қонунчилик доирасида Узбекистон муаллифларининг ёшлар ва болаларга бағишланган адабиёт ва санъат асарларини чет элларда, хорижий муаллифлар асарларини эса мамлакатимизда нашр этиш имкониятларидан фойдаланиш.

3.7. Республикада ёшлар туризмини ривожлантириш, ёшлардан иборат сайёҳлар гуруҳларини ташкил этиш ва уларни хорижий мамлакатларга юбориш, ёшлар ва болалар гуруҳлари делегацияларини айирбошлаш, чет эл ёшлар ташкилотлари билан алоқаларни ҳар томонлама кучайтириш.

3.8. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан белгиланган бошқа ҳар қандай

4

қонуний ҳуқуқларга эгадир.

## 4. Жамғармага аъзолик мақоми

4.1. Жамғарманинг мақсад ва вазифаларини маъқуллаган, жамғармани моддий ёки маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватловчи муассасалар, корхоналар, ташкилотлар, жамоат, илмий ва ижодий бирлашмалар, меҳнат жамоалари, акционерлик жамиятлари ва уюшмалари, шунингдек жамғарманинг фаолиятига кўмак бериш истагини билдирган республика ҳудудида яшовчи ҳар қандай жисмоний шахслар жамғарма аъзолари бўла оладилар.

4.2. Жамғармага аъзо бўлиш ва унинг таркибидан чиқиш масалалари ихтиёрийлик асосида жамғарма бошқаруви ва бўлимлари, якка тартибда эса жамоатчилик марказлари қарорига биноан ҳал этилади.

## 5. Жамғарманинг бошқарув органлари

5.1. Жамғарма ўз аъзоларининг тенг ҳуқуқлилиги, ўз-ўзини бошқариш, қонунийлик, ошкоралик ва демократик қоидалари асосида фаолият кўрсатади.

5.2. Жамғарманинг раҳбар органлари республика конференцияси ва бошқаруви ҳисобланади.

5.3. **Конференция:**

— Жамғарманинг олий раҳбар органи ҳисобланади ва камида 3 йилда бир марта чақирилади;

— Жамғарма Уставини қабул қилади ва унга мувофиқ ҳолда Жамғарма фаолиятининг асосий йўналишларини белгилайди;

— Ҳар 3 йилда бир марта бошқарув тафтиш назорат комиссиясининг ҳисоботини эшитади, муҳокама қилади ва баҳолайди;

— Бошқарув аъзоларини сайлайди;

— Конференцияга вакиллар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўлимлари конференцияларида сайланиб уларнинг учдан икки қисми ҳозир бўлганда конференция ваколатли ҳисобланади. Конференция иштирокчиларининг ярмидан кўпроқ овозини олган қарор қабул қилинган ҳисобланади.

5.4. **Бошқарув:**

— жамғарма дастурини ҳаётга тадбиқ этади;

— жамғарма дастури ва Уставига ўзгаришлар ва тўлдиришлар киритиши мумкин;

— Раёсат аъзолари миқдорини белгилайди ва уларни сайлайди;

— ҳар йилда бир марта раёсат ҳисоботини эшитади, муҳокама қилади ва баҳолайди;

— йил давомида Бошқарув аъзоларининг умумий сонига нисбатан 10 фоиздан ошмаган миқдорда унга янги аъзолар киритади ва аъзолиқдан чиқаради;

— Бошқарув раиси ва унинг ўринбосарларини сайлайди;

— жамғарма газеталари, журналлари, нашриётлари ва бошқа оммавий ахборот воситалари раҳбарларини тасдиқлайди;

— йиллик молиявий даромад ва ҳаражатлар тақсимоти режасини тасдиқлайди;

5

— йиллик молиявий даромад ва харажатлар тўғрисида раис ҳисоботини эшитади, муҳокама қилади ва баҳолайди;

— конференция томонидан берилган бошқа ваколатларни амалга оширади;

— Раёсат, Бошқарув раиси ва унинг ўринбосарлари ваколатларини белгилайди;

— Бошқарув мажлислари камида бир йилда бир марта ўтказилиб, унинг аъзоларининг ярмидан кўпроғи иштирокида ўтказилган мажлис ваколатли ҳисобланади. Мажлис иштирокчиси бўлган бошқарув аъзоларининг ярмидан кўпроғи овоз берган қарор қабул қилинган ҳисобланади.

Жамғарма Бошқаруви раёсати унинг доимий ижроия органидир. У Бошқарув мажлислари оралиғида жамғармага раҳбарлик қилади.

5.5. **Раёсат:**

— жамғарма конференцияси ва бошқарув мажлислари қарорларини, бошқа дастурий вазифаларини ҳаётга тадбиқ этади;

— жамғарманинг тадбиркорлик ва қўшма корхоналарни ташкил қилиш юзасидан ижрочи директор ҳисоботларини эшитади, муҳокама қилади ва баҳолайди;

— бошқарув берган бошқа ваколатлар доирасида фаолият кўрсатади.

5.6. **Бошқарув раиси:**

— бошқарув ва раёсат қарорлари ҳамда дастурий мақсадларни бажариш доирасида фармойишлар беради ва асосий йўналишлар бўйича Жамғарма фаолиятини мувофиқлаштиради;

— дирекция, Жамғарма бўлимлари ва филиаллари фаолиятига умумий раҳбарлик қилади, бошқарув ва раёсат томонидан берилган бошқа ваколатларни амалга оширади;

— турли идора, муассаса ва ташкилотларда, шу жумладан хорижий ташкилотларда, жамғарманинг ваколатли вакили ҳисобланади.

5.7. **Марказий тафтиш назорат гуруҳи:**

— Жамғарма, унинг бўлимлари ва филиаллари ҳамда уларга қарашли корхоналар, фирмалар ва ташкилотларнинг молиявий ва хўжалик фаолияти устидан назорат қилади.

— Марказий тафтиш назорат гуруҳи жамғарма конференцияси томонидан сайланиб, ўз фаолияти юзасидан фақат унгагина ҳисобот беради. Гуруҳ ўз аъзолари ичидан раис ва раис ўринбосари сайлайди.

— Жамғарманинг қуйи органлари тафтиш назорати гуруҳлари конференциялар ва мажлислар томонидан сайланади. Гуруҳлар ўз аъзолари ичидан раис ва раис ўринбосарини сайлайдилар.

— Жамғарманинг тафтиш назорати гуруҳи ўз низомларини ишлаб чиқадилар ва ўз мажлисларида уни қабул қиладилар.

5.8. **Ижрочи директор:**

— Жамғармага ташкилий-молиявий раҳбарликни

6

амалга оширади ҳамда унинг умумий фаолияти учун масъулдир;

— корхоналар, фирмалар ва бошқа тадбиркорлик ишларини ташкил қилади ва улар фаолиятига раҳбарлик қилади;

— ўз ваколати доирасида буйруқлар чиқаради, меҳнат ҳақидаги қонунларга биноан ходимларни ишга қабул қилади ва ишдан бўшатади;

— юридик ва жисмоний шахслар билан муносабатларда Жамғарма номидан иш кўради ва улар билан шартномалар тузади;

— белгиланган тартибда Жамғарма маблағларини тасарруф этади.

Мазкур қоида Жамғарманинг барча даражадаги бошқарувлари учун тааллуқлидир.

5.9. Жамғарманинг Қорақалпоғистон Республикаси,
вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳар ва туман
бўлимларининг энг юқори органи конференциядир.

**Конференция:**

— бўлимлар дастурий мақсадлари ва режаларини қабул қилади;

— бўлимлар кенгаши аъзоларини, юқори органлар конференцияларига вакиллар, бўлимлар кенгашлари раёсатини, раислари ва раис ўринбосарларини сайлайди;

— ҳар 3 йилда бир марта бўлимлар кенгаши, тафтиш назорати гуруҳининг ҳисоботларини эшитади, муҳокама қилади, баҳолайди ва уларнинг янги таркибини сайлайди;

— конференциялар вакилларнинг учдан икки қисми ҳозир бўлгандагина ваколатлидир, унда иштирок этган вакилларнинг ярмидан кўпроғи овозини олган қарор қабул қилинган ҳисобланади.

5.10. **Жамғарма Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳар ва туманлар бўлимлари бошқаруви.**

— Жамғарма дастурий мақсадларини ва конференциялар қарорларини ҳаётга тадбиқ этади;

— конференциялар ўртасида бўлимга раҳбарлик қилади ва қуйи органлар фаолиятини мувофиқлаштиради;

— бўлим раиси, унинг ўринбосарлари ва раёсатни сайлайди;

— бўлимнинг даромад ва сарфлаш тақсимотини тасдиқлайди;

— йилда бир марта раёсат ва кенгаш раисининг молиявий ҳисоботини эшитади, муҳокама қилади ва баҳолайди;

— бўлим раиси, раёсат ва ижрочи директорнинг ваколатлари ва иш вазифаларини белгилайди;

— бўлим бошқаруви мажлиси камида йилда бир марта раёсат қарори билан чақирилади. Бошқарув ўз аъзоларининг учдан икки қисми ҳозир бўлганда ваколатлидир, мажлисда иштирок этган вакилларнинг ярмидан кўпроғи овоз берганда бошқарув қарори қабул қилинган ҳисобланади.

Жамғарманинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳар ва туманлар бўлимларининг бошқарувлари раислари ўз ташки-

7

лотлари доирасида дастурий мақсадларни, конференциялар ва бошқа раҳбар органлар қарорларини бажариш юзасидан фармойишлар беради ҳамда бўлим бошқаруви ишчи аппаратига раҳбарлик қилади. Ишчи аппаратини шартномалар тузиш асосида шакллантиради ва бўлим бошқаруви берган бошқа ваколатларни амалга оширади.

5.11. **Жамғарманинг жамоатчилик марказлари:**

— Жамғарманинг жамоатчилик марказлари республика ҳудудидаги корхона, ташкилот, ўқув юртлари, мактаблар, маҳаллалар ва ҳар қандай меҳнат жамоасида 14 ёшдан 35 ёшгача бўлган ёшлар истаги билан ташкил топиши мумкин.

— жамоатчилик марказлари ўз ички ташкилий ва дастурий мақсадларини бажаришда мустақилдирлар. Улар фақат дастурий мақсадларни бажариш ва молиявий фаолиятлари юзасидан юқори органлар олдида масъулдирлар.

— жамоатчилик марказлари ёшлар ўртасида жамғарма дастурини унинг юқори органлари қарорларини тарғиб қиладилар. Ўз ташкилотлари доирасида ёшлар эҳтиёжлари ва манфаатларини ўрганадилар, улар ўз юқори органлари ва маҳаллий раҳбарларга етказиб турадилар. Шунингдек, жамғарма дастурлари асосида ўз аъзоларининг ижтимоий, ҳуқуқий ва маънавий жиҳатлардан юксалишига кўмаклашади.

— жамоатчилик марказларининг раҳбар органи унинг мажлисидир. Мажлисда аъзоларнинг ярмидан кўпи ҳозир бўлгандагина, у ваколатлидир. Мажлис қарорини ёқлаб, унинг иштирокчиларининг ярмидан кўпроғи овоз берса, қарор қабул қилинган ҳисобланади.

— жамоатчилик марказлари уч йиллик муддатга ўз раиси ва раис ўринбосарларини сайлайди. Агар жамоатчилик марказларида аъзолар 50 нафардан ортиқ бўлса, у ҳолда марказ раёсати ҳам сайланади.

— жамоатчилик марказлари раислари йилда бир марта дастурий мақсадларни бажариш ва молиявий аҳвол тўғрисида мажлисга ҳисобот беради. Агар мажлис ҳисоботни қониқарсиз деб топса, раис муддатидан илгари ўз вазифасидан озод бўлган ҳисобланади.

— жамоатчилик марказлари жамғарманинг шаҳар ёки туман бўлими конференциясига вакиллар сайлайди, бу вакилларга ўз номидан баъзи бир ваколатларни беради.

— жамоатчилик марказлари мажлиси заруратга кўра чақирилиб, унда дастурий мақсадларнинг бажарилиши муҳокама қилинади.

— жамоатчилик марказлари ўз ҳудудида истиқомат қилаётган болалар ва ўсмирларни тарбиялашда иштирок этади ва уларга ёрдам кўрсатади.

## 6. Жамғарманинг мол-мулки ва маблағлари

6.1. Жамғарма ўзининг мустақил баланси, пул маблағлари, мол-мулкларига эгалик қилиш ва улардан эркин фойдаланиш ҳуқуқига эга.

8

6.2. **Жамғарманинг мулклари:**

— бинолар, иншоотлар, уй-жой фонди, ускуналар, турли асбоблар, маданий-маърифий ва соғломлаштириш масканлари;

— пул маблағлари, акциялар ва бошқа қимматбаҳо қоғозлар, шунингдек, қонунларда рухсат берилган Жамғарма фаолиятини моддий таъминлаш учун зарурий мол-мулк ва маблағлар;

— нашриётлар, корхоналар, қўшма корхоналар, хайрия муассасалари, тадбиркорлик фирмалари ва бошқалар.

6.3. **Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари:**

— ташкилотлар, корхоналар, ҳомийлар, хусусий фирмалар ва фуқароларнинг ихтиёрий равишда ўтказган пул ва хайриялари;

— хорижий фуқаролар, фирмалар, ташкилотлар, корхоналарнинг хайриялари;

— Жамғарманинг ишлаб чиқариш, хўжалик, ноширлик ва бошқа фаолиятидан тушган даромадлар;

— лекциялар, концерт, лотерея ўйинлари, турли хил кўргазмалар ва бошқа маърифий тадбирлардан тушган маблағлар;

— ҳукумат, вазирликлар, ҳокимликлар, хусусий фирмалар дастурлари ва буюртмаларини бажаришдан тушган маблағлар;

— қонунлар билан таъқиқланмаган бошқа тушумлар.

6.4. Жамғарма солиқлар, давлат божи ва божхона божлари ҳамда бюджетга ундириладиган бошқа тўловларни тўлашдан озод қилинади. Жамғарманинг корхоналари ва ташкилотлари, шунингдек бошқа корхоналар ва ташкилотлар фойдасининг Жамғармага бериладиган қисми амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат бюджетига солиқ тўлашдан озод қилинадилар.

6.5. Жамғарма ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мол-мулки билан жавоб беради.

6.6. Жамғарманинг мулкий ҳуқуқлари Ўзбекистон жамоат ташкилотлари учун белгиланган амалдаги қонунчиликка мувофиқ ҳимоя қилинади.

## 7. Жамғарма фаолиятини тўхтатиш тартиби

7.1. Жамғарманинг фаолияти унинг конференцияси қарори ёки Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 62-моддасига биноан тўхтатилади.

7.2. Агар Жамғарма тугатилса, унинг мол-мулки ва маблағлари Жамғарманинг дастурий мақсадлари учун сарфланади.

**Жамғарма бошқарувининг манзили:**
**Тошкент шаҳри Навоий кўчаси 11 уй.**

*Гул кўп, чаман кўп*

## ТАНГРИ СУЙГАН МАКОН

Тангри суйган макон сенсан Ватаним,
Улуғ ватанларга тенгсан Ватаним,
Арзийди кўкрагим керсам Ватаним,
Сен учун жонимни берсам Ватаним.

Тошни ёриб чиққан чашма, лоласан,
Қадамларинг шаҳдам ташлаб борасан,
Кун сайин очилиб яшнаб борасан,
Дунёни безаган гулсан Ватаним.

Тарихинг сўйласам ҳайратда жаҳон,
Шонларинг куйласам юракда туғён,
Бугунинг бўйласам яйраб кетар жон,
Бахтимга бахт топдинг, ҳурсан Ватаним.

Бағрингда яшашдан ортиқ нима бор,
Яшайман тақдирдан бўлиб миннатдор,
Тупроғинг кўзимга сураман такрор,
Кўнглимни ёритган нурсан Ватаним.

**Туроб НИЁЗ**



***Кўзларинг нурафшон бунчалар маъсум,***
***Бундан-да ортиғим, нурим, фариштам.***
***Раҳм қил, тарк этма яшашим учун***
***Сендан ўзга хаёл йўқдир бирор дам.***

***Ҳаётга йўллайди инжа туйғулар***
***Аммо дил дардидан эзилиб битдим.***
***Бўлурми ҳам талх-у наввот қайғулар***
***Тотсам-у сўнг сенга сингиблар кетсам.***
***О, бунчалар қисқадир умрим!..***

**Дилдора АБДУЛЛАЕВА.**

*Сенинг сочларингдан паноҳ топдилар*
*Баҳор қуёшидан қочолган қорлар.*
*Бу баҳор сени йўқлади фақат*
*Қушчалар — арслондек юраги борлар.*

*Энди кўзларингни ташлаб кетолмас*
*Кўзингдан ин топган серёғин мавсум.*
*Бу баҳор...*
*Ғунча лабларингни қаттиқ севибди*
*Лаблари ёрилган Табассум.*

**Муборак ҲАКИМОВА**



## ЛОЛАҚИЗҒАЛДОҚ

***Дунёнинг нелигин билмасдан,***
***Қаро ер остида ётасан.***
***Кўзларинг очилиб-очилмай,***
***Шу дунё шукуҳин тотасан.***

***Бунчалар ўксиниб, йиғлайсан,***
***Йиғидан юзларинг қизарган.***
***Рассом ҳам кулгингни топмасдан,***
***Ҳар доим рўйингни чизаркан.***

***Тунлари юмилиб ўйлайсан,***
***Тонг отгач кўтариб бошингни***
***Кимларга, нимадир сўйлайсан,***
***Сўйлайсан, бу қисқа ёшингни.***

***Қизғалдоқ очилиб улгурмай,***
***Хазоннинг қучоғин кўрасан.***
***Ҳаётнинг болини сипқормай,***
***Айрилиқ шарбатин сўрасан.***

***Ҳали сен қизғалдоқ, эй гулим,***
***Маъсумгина гўдак боласан.***
***Кулмасдан кўзларинг, сўзларинг,***
***Дунёда абадий қоласан.***

**Дилноза МУЛЛАЖОНОВА.**

# МОДА ГЎЗАЛЛИК ЯРАТА ОЛАДИМИ?

**— Ҳа, — дейди санъатшунос Н.Муҳаммедова**

***Ўлкамизга баҳор ўз сепини ёзиши билан новдалар куртак ёзиб, қир-адирларда, ариқлар лабларида кўкату майсалар, чучмомаю лолақизғалдоқлар она табиатни гўзалликка буркади.Инсон эса бутун вужуди-ла шу гўзаллик шайдоси. Унга ошно дил уни янада мукаммалроқ кўрмоқни ҳоҳлайди.***

***Ёшлигимда онам кўпинча «Ерда ётган чўпни олиб, унга ихчамгина кийим тикиб кийинтир, шунда оддий чўпнинг қандай чиройли бўлиб кетганлигини кўрасан», — дердилар. У пайтда бу гапни болаларча талқин қилардим. Энди эса одам ўз меҳнати билан ҳамма нарсага эришиши мумкинлигини, ҳаттоки хасга ҳам гўзаллик бахш эта олишини англайман.***

***Замонавий аёллар ва қизларнинг ҳуснига-ҳусн қўшиб турган, йигитларга янада кўркамлик бахш этаётган либослар қай тарзда яратилади? Уларга бу йил қандай фаслбоп либослар тавсия этилади? Шу саволлар билан Республика Мода маркази санъатшуноси Нигора Муҳаммедовага мурожаат қилдик.***







**— Мода нима?**

— Мода жуда кенг қамровли тушунча, инсонга хизмат қилувчи ҳамма нарсага мода ўз таъсирини ўтказмай қўймайди.

**— Демак мода-ривожланиш, кишиларнинг воқеликка онгли муносабатда бўлиши демоқчисиз-да?**

— Шундай деса ҳам бўлади. Лекин бу фикрни фақат мода изидан қувувчиларга қарата айтиб бўлармикин? Баъзан ўзига ярашадими, йўқми, буни эътиборга олмасдан нуқул сўнгги модада кийинишни маданиятлиликка йўювчилар ҳам учраб туради. Инсон ўзининг ёши, қадди-қомати ва яшаш муҳитини эътиборга олиб кийинса,мода ҳақиқий гўзаллик яратган бўлади.

Кийим-кечакнинг пайдо бўлиши ва шаклланишини одамзоднинг тарихи билан тенглаштирилса ёки чамбарчас боғлиқ десак асло хато бўлмайди. Одамлар дастлаб кийимни ташқи муҳитдан: қишнинг қор-ёмғирию, изғиринидан, ёзнинг жазирама иссиғию қуёш нуридан сақлаш, яъни, ҳимоя воситаси сифатида кийишган. Кейинчалик онг ривожлана ва дунёқараш кенгая боргач, кийим ихчамроқ, чиройлироқ тикилса, ҳуснга-ҳусн қўшишини англашган. Бугунги кунга келиб, кийиниш маданияти кийим қулай, ёшга мос, чиройли, шу билан бирга замонни ўзида акс эттирувчи модада тикилган бўлишини тақоза этади.

**— Сизнингча кийимларимизда миллийлик йўқолиб бормаяптими?**

— Бу фикрингизга мен умуман қўшилмайман. Ўзбек аёллари уйда кўпинча кўкракбурма кўйлак кийиб юришади-ку. Миллий кийимларимиз кўпроқ қишлоқларда сақланиб қолган. Бизнинг ота-боболаримиз асосан, ипак ва ип газламаларидан куз ва қишда ичига пахта қўйиб, чопон, нимча ва мурсак (аёллар чопони)лар кавишган. Иссиқда кенг кўкракбурма кўйлак ва яктаклар тикиб кийишган. Улар ёзимизнинг иссиғида, қишимизнинг совуғида жуда қулайлиги боис асрлар оша ҳали-ҳануз ўз қадрини йўқотмаган.

**— Услуб ва мода жуда тез ўзгараяпти. Биронта мато асрлар давомида ўзгармаслиги мумкинми?**

— Мода шунақа нарсаки, иккинчи бир услуб пайдо бўлиши билан,биринчи услуб унга ўрин беради, бу билан у бутунлай йўқолиб кетмайди, аксинча, ундаги ёқа ё енг, ёки этак янги услубда тикилган кийимда ҳам сақланиб қолавериши мумкин. Бир сўз билан айтганда, мода давр билан ҳамнафасдир. Шунинг учун ҳам модани ҳаёт акси, дейишади.

Классик нусхадаги оқ ва қора рангли, катак, холдор ва йўл-йўл газламалар ҳеч қачон ўз замонавийлигини йўқотмайди.

**— Янги мода яратишда асосан нималар эътиборга олинади?**

— Одамларнинг модаларга бўлган эҳтиёжи. Улар бу жиҳатдан уч гуруҳга бўлинадилар. Биринчиси: авангард — булар кўпроқ ўз услубини топмаган ёшлар бўлиб, энг сўнгги мода ихлосмандларидир. Иккинчиси: ўртамиёна булар авангард одамларга қараганда ёшини, шуғулланадиган ишини ҳисобга олиб, янги услубдан қайсидир бир элементларни ўзига олади. Учинчиси консерватор-



лардир. Бу тоифадагиларга мода ўзгаришлари таъсир қилмайди. Улар кўпроқ катта ёшдагилар бўлиб, ҳамиша ўзлари учун қулай бирон услубдаги кийимни танлаб кийиб юраверадилар. Баъзан булар орасига ўз ташқи қиёфаларига бефарқ бўлган ёшлар ҳам кириши мумкин. Биз аҳоли эҳтиёжини тўларoқ қондириш учун кўпинча ўртамиёна, классик кийимлар яратишга ҳаракат қиламиз.





**— Мана, ёшариш фасли баҳор ҳам яримлаб қолди. Бу фаслнинг бошқа фасллардан фарқи шуки, касби-коридан қатъи назар ҳаммага катта меҳнат масъулиятини юклайди, шу жумладан сизларга ҳам. Чиройли либос инсонга кўтаринки кайфият бахш этади. Кайфиятга эса кўп нарса боғлиқ. Хўш, бу фаслда сизлар ўзбекистонликларга қандай аъло кайфият бахш этмоқчисизлар?**

— Модельер рассомларимиз баҳорги, ёзги либосларнинг янги услубларини тайёрлашмоқда. Бу либослар ўзининг ранг-баранг ва сержилолиги билан қишки либослардан ажралиб туради. Биз бу йилги баҳор ва ёз фаслига очиқ рангли матолардан тикилган либосларни тавсия этамиз. Чунки очиқ ранг ва айниқса оқ ранг офтоб нурларини қайтариш хусусиятига эга. Бунинг устига оқ рангли мато бошқа ҳамма рангдаги матолар билан жуда уйғунлашади. Бу либослар асосан икки хил: иш пайтига ва тантанали маросимларга мўлжалланган. Биринчиси, албатта тикилиш услуби ҳам,газламаси ҳам оддий, сипо ва одми бўлади. Иккинчисининг услуби эса тантанавор.

Модаларимизнинг аксарияти Тошкент, Бухоро ва Андижон ип газламаларидан, Фарғона, Марғилон, Наманган ва Самарқанд шойи газламаларидан либослар тикишга мўлжалланган. Чунки ип ва ипак газламалари иқлимимизга мослиги жиҳатидан ҳам, сифатлилиги жиҳатидан ҳам анча қулайдир.

Яқинда хориж матоларидан эркаклар учун шимлар тикдик. Ҳоҳ ишонинг, ҳоҳ ишонманг, тикиш жараёнининг ўзидаёқ чоклари ситилиб кетаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Демоқчиманки, дунёда ҳеч қандай мамлакат биз каби ўз ип ва ипагидан мато ишлаб чиқара олмаяпти, Биз бу билан фахрлансак арзийди.

— Суҳбатингиз учун ташаккур.

**Саодат МАТЁҚУБ қизи суҳбатлашди.**
**Сураткаш:Муҳаммад АМИН..**

*Ранг баранг олам*

## СУНЪИЙ ТЎСИҚ ВА ҲОМИЛАДОРЛИК

Араблар дунёда биринчи бўлиб ҳомиладорликни олдини сунъий равишда олишни билишган экан. Улар саҳроларда бир неча ой давом этадиган сафар чоғларида туялари ҳомиладор бўлиб қолиб, уларни бир ердан бошқа ерларга кўчишларида қўшимча қийинчилик туғдирмаслиги учун туялар бачадони оғзига кичик бир тошча жойлаб қўйишар экан.

Кейинчалик оламда ҳомиладорликни олдини олишнинг замонавий турли восита ва усуллари кашф этилган.

## МИСР ПОЙТАХТИДА БИР МИЛЛИОН АВТОМОБИЛЬ

1996 йили Миср Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилган энг сўнгги статистик маълумотларга қараганда, мамлакат пойтахти кўчаларида юрган автомобиллар сони 1 миллионга етган.

Бу бугун Миср диёридаги автомобилларнинг 65 фоизини ташкил этади. 2000 йилга келиб, пойтахт кўчаларида 1,5 миллион автомобиль юриши кўзда тутилмоқда.

## НАЗОРАТГА ОЛИНДИ

Мисрда аҳолини Европадан, айниқса моллари қутуриш дардига учраган Англиядан келтириладиган гўшт маҳсулотлари истеъмолидан сақлаш мақсадида шошилинч чора-тадбирлар кўриш бошлаб юборилди.

Экспорт ва импорт молларини назорат қилиш Давлат бошқармаси дунёнинг барча давлатларидан ҳаво ва сув йўллари орқали мамлакатга келтирилаётган гўшт маҳсулотларининг асли қаердан чиққанини ўта диққат билан текширмоқда.

Қоҳира аэропорти зооветеринария назорати идорасининг масъул ходимининг таъкидлашича, аэропортнинг маҳсулот омборида Европадан келтирилган ҳеч қандай гўшт маҳсулотлари йўқ. Айни чоғда Ирландиянинг бузоқлар ортилган юк кемасига Мисрнинг Искандария портига кирилшига рухсат этилмаган.

Мисрнинг таъминот ва савдо вазири, доктор Аҳмад Гувайли ҳозирда мамлакатдаги ва четдан келтирилган гўшт тамоман покизалигини улар қутуриш ёки бошқа юқумли касалликлар тарқалган давлатлардан келтирилмаганини таъкидлади.


**«ЎЗБЕКДАВЦИРКИ» БИРЛАШМАСИ**
Тошкенбой ЭГАМБЕРДИЕВ
номидаги
ТОШКЕНТ
ДАВЛАТ ЦИРКИДА
(Хадра майдони)
**ЙЎЛБАРСЛАР ЎЙНАТИЛАДИГАН КАТТА ЦИРК ТОМОШАЛАРИ**
Йўлбарсларни ўйнатувчи биринчи
ўзбек ўргатувчиси
**ФУРҚАТ ЮНУСОВ**
Томошаларда ўргатилган туялар, айиқлар, кучуклар, баҳайбат илонлар ва бошқа ҳайвонлар иштирокидаги қизиқарли ўйинлар томошабинларга завқ-шавқ бағишлайди.
Томошалар 2 қисмдан иборат ранг-баранг дастурли.
ТОМОШАЛАР:
3 Май соат 18.00 да, 4-5 май 12.00 ва 15.00 да,
9 Май 12.00 ва 15.00 да, 10 май соат 18.00 да,
11-12 Май соат 12.00 ва 15.00 да намойиш этилади.
Жамоалар бўлиб кириш учун буюртмалар қабул қилинмоқда.
Касса соат 10.00 дан 18.00 гача ишлайди.
**ТЕЛЕФОНЛАР:**
**44-35-91, 44-29-04.**


*Газета саҳифаланаётганда*

## ЧЕМПИОН БИЛАН УЧРАШУВ

Узбекистон давлат жисмоний тарбия институтида профессионал бокс бўйича жаҳон чемпиони Артур Григорян билан учрашув бўлди.

Институт ректори Ҳ. Ҳамроқулов учрашувни очиш чоғида мазкур институтни битирганлар орасида Узбекистонга шуҳрат келтирган спортчилар кўплигини таъкидлаб ўтди. Артур Григоряннинг ғалабаси айниқса салмоқлидир. Германиянинг Гамбург шаҳрида чемпион шарафига мустақил Узбекистон мадҳияси янгради ва давлатимиз байроғи кўтарилди.

— Антонио Ривера билан бўладиган «жанг» олдидан майдонга мамлакатимиз байроғи олиб чиқилганида, — деб ҳикоя қилади Артур Григорян, — мен жонажон шаҳрим Тошкентни, эски шаҳардаги ёшлигимда дўстларим билан ялангоёқ югуриб юрган кўчаларни эсладим... Шу дақиқада ҳамюртларим олдидаги, миллатидан қатъи назар, ҳамма одамлар ўз жонажон юрти деб ҳисоблайдиган гўзал ватаним олдидаги бурчимни чуқур ҳис этдим.

Мен Германияда икки йил истиқомат қилдим. Бу даврда профессионал бокс соҳасида катта ютуқларга эришдим. Аммо мамлакатимни ундаги маънавий жиҳатдан бой, саҳоватли азиз юртдошларимни бир кун ҳам унутганим йўқ. Тарки одат — амри маҳол, деганларидек, Германияда ҳам баъзан транспортда ўрнимдан туриб, кексаларга жой бераман. Бунга жавобан жойни сотиб олгансан-ку, деган гапни эшитиб, ҳайрон қоламан. Шундай пайтларда доно халқимизнинг «ўз уйим — ўлан тўшагим» деган гапини эслайман. Ҳақиқатан ҳам дунёда ўз юртингдан, ўз уйингдан аъло жой йўқ.

Рингга чиқишдан олдин немис журналистлари билан учрашувда уларга менинг юртим — Узбекистон, қаерда ғалабага эришмайин, бу ғалабамни жонажон Ўзбекистонимга бағишлайман, дедим. Германияда ватанимиз байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз ижро этилиши учун қўлимдан келганича ҳаракат қилдим.

Гамбургдаги ғалаба мен учун жуда қимматли. Аммо президентимиз Ислом Каримовнинг эътибори ғалабам учун энг яхши мукофот бўлди. Президентимиз, республикамиз раҳбарияти спортчилар тўғрисида, мамлакатда спортни ривожлантириш ҳақида катта ғамхўрлик қилаётганига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Бунга жавобан биздан фақат бир нарса — ғалаба қозониш, мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиш ва Узбекистоннинг спорт борасидаги шуҳратига шуҳрат қўшиш талаб қилинади, деди пировардида жаҳон чемпиони.

**Светлана ТЕН, ЎзА мухбири.**

**КЕЛГУСИ СОНДА:**

- Самарқанд — кўрган шаҳрим
- «Қорадори»нинг қора ишлари
- Шахсий фикр


*Муассис:*
**ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ**
*Ҳомий:*
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «МАТБУОТ ТАРҚАТИШ УЮШМАСИ» АССОЦИАЦИЯСИ

Бош муҳаррир
Абдуқодир НИЁЗОВ

ТАҲРИРИЯТ:
Қабулхона — 36-56-58; хатлар бўлими — 36-54-65; тижорат бўлими — 33-79-69, 36-58-48; ижодкор бўлимлар 36-57-52; котибият — 36-55-96.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
Нашр кўрсаткичи 64607

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Реклама ва эълонлар учун тел.: 33-95-97, 33-79-69

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00012
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси
Буюртма Г. — 0250
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41
Ҳажми — 2 табоқ. Тираж — 9839.
Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2
Босишга топшириш вақти — 21.00
1 2 3 4 5 6